# ДАВЛАТ ҚУРИЛИШИНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

иқтисодий, маданий-маърифий ва бошқа жабҳаларда бундан буёнги тараққиётнинг устувор йўналишлари назарий жиҳатдан асослаб берилди.

Бу устувор йўналишлар бир-бири билан узвий ва мантиқан боғлиқ бўлиб, бири иккинчисини тўлдиради ва бойитади.

Мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мақсади эса ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш, адолатли фуқаролик жамиятини шакллантиришдан иборат.

Давлатимиз раҳбари сессияда таъкидлаганидек, халқимизнинг асосий орзу-умидлари ва интилишларига жавоб берадиган, мамлакатимизга, эртага ўрнимизга келадиган авлодларга улкан имконият ва истиқболлар эшигини очадиган ҳаётга қадам қўйдик. Бу босқичга мураккаб жараёнлар, курашлар, машаққатли меҳнат, сабр-тоқат ва, энг муҳими, аниқ йўлни белгилаб олиш, умумэътироф этилган қоидаларга миллий хусусиятларни сингдирган ҳолда амал қилиш орқали етиб келдик.

Давлатчиликда умумэътироф этилган қоида ва ғояларни рад этиш ёки эътиборсиз бўлиш, улардан миллий хусусиятларни ҳисобга олиб фойдаланмаслик оғир оқибатларга олиб келишини тарих тажрибаси тасдиқлайди. Буларсиз ҳеч бир давлат узоқ умр кўра олмайди. Буни йўқликка юз тутган собиқ иттифоқ мисолида ҳам кўриш мумкин.

Ўзбекистон давлат қурилиши соҳасида маълум ютуқларга эришган экан, бу биринчидан, давлатчиликни шакллантиришнинг қиёфаси аниқ белгилаб олингани, кучли, амалда исботланган синовдан ўтган назарий асослар яратилгани, иккинчидан, шу белгиланган ғояларни ҳаётга изчил татбиқ этилаётгани ҳозирдаёқ ўзининг амалий самарасини бераётганининг исботидир.

Давлатчиликни шакллантиришда умумэътироф этилган тамойиллардан бири — демократиядир. Истиқлолимизнинг дастлабки йилларидан бошлаб демократияни эътироф этиш, ҳаётга татбиқ қилишни асосий мақсад сифатида белгилаб олиш билан бирга, уни янги мазмун-моҳият билан бойитиш, бунда халқимизнинг неча минг йиллик қадриятлари ва анъаналарини ҳисобга олиш, миллий ва умумбашарий қадриятларни уйғунлаштириш, эркинлик билан қонунга асосланган интизомни мужассамлаштириш ва демократик жараёнларни босқичма-босқич чуқурлаштириб бориш бош вазифа этиб белгилаб олинди.

Буни, айниқса, Юртбошимизнинг биринчи чақириқ Олий Мажлиснинг ўн тўртинчи сессиясидаги маърузасида мамлакатимиз ривожланиш стратегияси, ислоҳотларни чуқурлаштириш ва жамиятни янгилаш борасидаги фаолиятимизнинг устувор йўналишлари аниқлаб олингани мисолида яққол кўриш мумкин.

Иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг биринчи сессиясидаги маърузада давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасидаги бош вазифалар, асосий йўналишларни амалга ошириш чора-тадбирлари белгиланган бўлса, иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессиясида фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим шарти - жамият ҳаётида нодавлат ва жамоат ташкилотларининг ўрни ва аҳамиятини кескин кучайтириш алоҳида устувор йўналиш сифатида таърифланди.

Бунинг мазмун-моҳияти, аҳамияти нимада, деган савол туғилиши табиий.

Бу — аввало мамлакатимизда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш янги босқичга кирганини кўрсатади.

Бу — демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти негизларини шакллантиришнинг кучли назарий асоси сифатида зарур дастурлар, тегишли ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш учун шарт-шароит яратади.

Натижада давлат қурилиши ва бошқарув соҳасида белгиланган вазифаларни янада аниқлаштириш, уларни амалга ошириш имконияти юзага келади. Қолаверса, нодавлат ва жамоат ташкилотлари мавқеини юксалтиришга, уларнинг жамиятда ўз муносиб ўрнига эга тузилмаларга, айланишига хизмат қилади.

Маълумки, мамлакатнинг тутган ўрнини белгилашда, мавқеини аниқлашда нафақат унинг давлат тузилмасининг қудрати, балки шу мамлакатда шаклланган жамиятнинг кучи қанчалик экани ҳам ҳал қилувчи роль ўйнайди. Ўзбекистон ўз келажагини кучли, адолатли фуқаролик жамиятида кўрмоқда. Шу маънода, "Кучли давлатдан — кучли жамият сари" ғояси асло давлатни кучсизлантиришни назарда тутмайди. Аксинча, давлатнинг кучли бўлиши, унинг куч-қудратидан тўғри фойдаланиб, кучли жамият қуриш бирдан-бир тўғри йўлдир.

Албатта, бунда давлат ўзининг айрим вазифаларидан, ваколатларидан ихтиёрий воз кечади. Бу икки йўналишда амалга оширилиши мумкин.

Биринчиси — марказий давлат органлари вазифаларини қуйи давлат органларига бериб боради.

Иккинчиси — давлат органлари вазифалари нодавлат ва жамоат ташкилотларига босқичма-босқич ўтказилади.

Биринчисида қуйи органларга ваколатлар ўтказилганда барибир ваколат давлатда қолади, лекин масалалар халққа яқин давлат органларида ҳал қилинади, уларнинг устидан жамоатчилик назорати ўрнатиш қулайроқ, осонроқ бўлади. Иккинчисида эса вазифа ва ваколатлар бутунлай давлат ихтиёридан нодавлат ташкилотларига ўтади.

Кучли жамият — фуқаролик жамиятидир. Бундай жамиятнинг таянчи нодавлат ва жамоат ташкилотлари бўлади. Шунинг учун устувор йўналишнинг асосий шарти уларнинг мавқеини кучайтиришга қаратилган. Бу уларнинг вазифа ва ваколатларини кенгайтириш, фаолиятининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш ва бу ишларга уларни тайёрлаш демакдир.

Нодавлат ва жамоат ташкилотлари мавқеининг ошиши, давлатни заифлаштирмаган, асосий вазифасига таъсир қилмаган ҳолда, давлатнинг аралашувисиз ҳам ҳал қилиш мумкин бўлган баъзи ишлардан уни озод қилишга олиб келади.

Бу жараёнда аввало давлатнинг иқтисодий соҳага, хўжалик ишларига, хусусий сектор фаолиятига аралашуви чекланади. Бусиз бозор иқтисодиёти тўғрисида гап бўлиши мумкин эмас. Бозор муносабатларига асосланган шароитда давлатнинг роли асосан иқтисодиётни ташкил этиш ва ривожлантиришнинг бош йўналишларини белгилаш, ҳуқуқий асосни яратиш ва такомиллаштириш, мавжуд қонун ва ҳуқуқий нормаларнинг ҳамма томонидан сўзсиз бажарилишини таъминлаш, ташаббус ва тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш ва рағбатлантириш, рақобат муҳитини вужудга келтиришдан иборат бўлади.

Жамиятни эркинлаштиришда, фуқаролик жамиятини шакллантиришда қонун устуворлиги масаласи муҳим аҳамият касб этади. Давлат бошқарувида қонун устуворлигига эришиш сиёсий ва ижтимоий зарурат эканлигини ўз вақтида буюк аждодларимиз, жумладан, Абу Наср Форобий ҳам таъкидлаган эди. Бу қонун устуворлигига эришиш миллий давлатчилигимиз анъанаси эканлигини кўрсатади.

Президентимиз маърузасида бу масала янада ривожлантирилди, қонун ижросини таъминлаш билан бирга қонунларни ҳаётга татбиқ этишдаги давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш масаласи қўйилдики, бу ҳам фуқаролик жамиятига хос хусусиятдир.

Мамлакатимизда энг буюк неъмат — адолат ва олий тамойил — қонун устуворлиги мужассами бўлган "Адолат — қонун устуворлигида" деган ҳаётий тамойил асосида яшаш зарурлиги белгилаб берилгани барча фуқароларнинг туб манфаатларига хизмат қилади.

Президент давлат назоратини камайтириш жамият тараққиётига тўсқинлик қилаётган асосий иллатлардан бири — коррупцияга чек қўйишга олиб келишини кўрсатиб берди. Кўриниб турибдики, эркинлаштириш, давлат назоратини камайтириш орқали бир неча муҳим муаммолар ҳал қилинади. Давлат назорати камайишини жамоатчилик назоратини кучайтириш билан тўлдириш демократия талабларига тўла жавоб беради.

Сессияда жамият ҳаётини эркинлаштиришнинг муҳим ва самарали воситаси марказий давлат идораларининг вазифаларини қуйи давлат идораларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўтказишни амалда таъминлаш эканлигига яна бир бор эътибор қаратилди. Ўзини ўзи бошқариш органлари ҳозирдаёқ фуқаролар энг кўп мурожаат қиладиган, уларнинг турмушига дахлдор ҳар қандай муаммоларни ҳал эта оладиган ишончли тузилмага айланиб бормоқда.

Ҳозирги кунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари илгари давлат органлари бажариб келган кўплаб вазифаларни мустақил бажаряпти. Жумладан, улар кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш ва кўп болали камхарж оилаларга нафақалар тайинлаш, икки ёшга тўлмаган болалари бор ишламайдиган оналарга маблағлар тайинлаш ва тўлаш, кичик корхоналар ташкил қилиш ва тугатиш масалаларини ҳал қилади. Ўзини ўзи бошқариш органлари жойларда фуқаролик ҳолати далолатномаларини рўйхатга олиш ҳамда нотариал органларининг кўплаб вазифаларини бажармоқда. Бундан ташқари, атроф-муҳитни ҳимоялаш, ёнғинга қарши кураш чораларини, маиший хизмат, савдо тармоқлари ишларини назорат қилишда ҳам иштирок этиб, шу билан давлатнинг назорат функцияси жамоатчилик тасарруфига ўтишига, жамоатчилик назоратини кучайтиришга замин тайёрланмоқда.

Бу хайрли йўл давом эттирилиши, тадбирлар босқичма-босқич амалга оширилиши ва унга ўзини ўзи бошқариш органлари, аҳолини тайёрлаб бориш ютуқлар гарови бўлади.

**Озод ҲУСАНОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиши академияси проректори, юридик фанлар доктори (ЎзА).**

Ўзбекистон Қаҳрамонлари



# Меҳрдан чақнаган юлдуз

*Дилбар опа ҳақида сўз кетса, аёл боши билан унча-мунча эркакнинг ишини дўндириб қўяди, дейишади. Бу фикр вилоятда енгил саноат, хусусан, тўқимачилик ва тикувчилик тармоғини оёққа турғазиш йилларида шаклланган.*

Йигирманчи асрнинг сўнгги ўн йили, истиқлол биносини тиклаш даврида у янаям мустаҳкамланди. Ҳар бир кишининг ўзига хос, аммо бошқаларга ёқадиган ёки ёқмайдиган хислати бўлади. Опа сал шарттакироқ. Умум ишга тўсиқ қўядиган, нохолис одамни, айниқса, мутасаддиларни аяб ўтирмайди, камчилигини юзига айтадиқўяди. Ана шу томони баъзан қўл келган бўлса, бошқа сафар панд берган.



— Вилоятнинг гигант корхонаси — шойи газламалар комбинатида ишлардим, — эслайди, опа. — Бир куни цехни айланиб юрсам, иш бошлаганига энди икки ой бўлган қишлоқлик қизни, кўпчилик ўртага олиб гап билан талаяпти. "Тўхтанглар, нима гап", дедим. Маошини йўқотиб қўйган қиз уч-тўрт метр матони олиб чиқиб кетмоқчи бўлган экан. Бечора нима қилишини билмай дағ-дағ титрайди. Секин мастерини чеккага тортдим. "Хом сут эмган банда, бир адашай дебди-да. Шуни бутун жамоа ўртасига олиб чиқиш шартмиди, ахир бундай ўзига тушунтирса бўларди-ку, қолаверса, аввало, тойлаб газлама олиб чиқиб кетаётганларга қаттиқ туриш керакмиди, ахир ёшлар ўшалардан андоза олишмаяптимикин", дедим. Табиийки, бу гап унга ёқмади.

— Ие, сизми ташмачини ёқлайдиган, бу ишингиз учун жавоб берасиз, — мастернинг жаҳли чиқиб маъмурият томонга йўл солди.

У бош раҳбар ҳузурида ҳам ўша гапини такрорлади. Унинг ишчини ҳайдаб юбориш ҳақидаги қарорига қатъий норозилик билдирди.

Дилбархон ёшлар мураббийси сифатида талашди, тортишди, шогирд тўқувчини ишда қолдиришга директорни аранг кўндирди.

Яхшиям, шундай қилган экан. Қишлоқдан келган тўқувчи кейинчалик донгдор ишчи бўлди, вилоят Кенгаши депутатлигига сайланди, қатор орден, медаллар тақди. Агар ўшанда опадан ҳам меҳр ўрнига қаҳр кўрганида мустақил ҳаётга эндигина қадам ташлаган қизнинг келажакдан ҳафсаласи пир бўлмасмиди.

Меҳр ва қаҳр. Кўпчилик билан ишлайдиган одамда унинг иккинчисига мутлақо жой бўлмаслиги керак. Лекин, бу талабчанлик ўз ўрнини ортиқча меҳрибонликка бўшатиб берсин, дегани эмас. Меҳнат фаолиятининг асосий қисмини раҳбарликда ўтказган Дилбар опа ана шу тамойилни маҳкам ушлади. "Атлас" комбинатининг каттагина корхонаси, бадиий буюмлар фабрикасини бошқарганда ҳам, энг аввало, ишчилар манфаатини олдинга сурди.

Дилбар опа билан суҳбатлашган киши унда қатъият, шу билан бирга жасорат борлигини дарров илғаб олади. Ана шу фазилати айниқса, истиқлолимиз атак-чечак қилаётган тўқсонинчи йилларда ўз кучини кўрсатди. Наманганликлар динни ниқоб қилиб олиб, юрт осойишталигини бузган, ур-йиқит, алғов-далғовни кучайтирган кимсаларнинг ғаламисона уринишларига муносиб зарба берганлар орасида бадиий буюмлар фабрикаси директори Д. Акрамова ҳам бўлганлигини яхши эслашади. Бир йиғилишда ўзини "халқ халоскори" дея номлаб ҳуқуқ-тартибот идоралари ваколатини эгаллашга интилган гуруҳ аъзолари фаолиятини қоралагани учун ҳатто уни фабрика ҳовлисидаги чинорга оёғидан осиб қўймоқчи ҳам бўлишди. Бироқ, шаҳар хотин-қизларига жамоатчилик асосида етакчилик қилаётган мард аёл дўқ-пўписалардан чўчимади, аксинча маҳаллаларга юришини давом эттирди, ишлаётган қиз-жувонлар, уй бекаларини ақидапарастлик ғояларига учмасликка даъват этди.

Эндиликда Дилбар опа ёлғиз инсонларга мадад, йиқилганга суянчиқ, бева-бечораларга шафқат улашувчи "Меҳр-шафқат ва саломатлик" жамғармасининг Наманган вилояти бўлими бошқарувига раис. Савоб ишларнинг бошида туриб, одамларни атрофдагиларга эътиборли бўлишга, якка-ёлғиз, ногирон, ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларни қўллаб-қувватлашга даъват этиш билан банд. Фақат тарғибот-ташвиқот билан чекланиб қолмай, жамғарма аҳолининг ана шу қатламига дурустгина моддий ёрдам кўрсатиб келмоқда. Жумладан, ўтган йили 1135 кишига салкам бир миллион сўмлик хайрия қилинди. Саховатга дахлдор бундай юмушлар жорий йилда ҳам изчил давом этяпти. Эътиборлиси шундаки, жамғарма янги-янги имкониятларни излаб топаётир. Бундан икки йил аввал Мингбулоқдан 150 гектар ер олиб, шоли етиштиришни йўлга қўйишди. Ҳосилини гуручга айлантириб, муҳтож кишиларнинг ҳар бирига 50-60 килограммдан тарқатишяпти.

Икки ўғил, бир қизнинг меҳрибон онаси бўлган бу аёл дилбандларини ҳам эл корига ярайдиган кишилар этиб тарбиялади. Кўпчилик ташвиши билан яшашга одатланган файзли оилага шаҳарда ҳавас билан қарашади. "Аснамтекстил"да смена бошлиғи бўлиб ишлаётган Қудратжон ҳам, ички ишлар ходими Шуҳратжон, инглиз тили муаллимаси Дилдора ҳам педагог оталари Абдулла ака ва серғайрат волидаларидан фақатгина фидойиликни мерос қилиб олишган.

Истиқлолимизнинг ўн бир йиллиги арафасида Президент Фармони билан "Ўзбекистон Қаҳрамони" олий мартабасига эришганлар сафида наманганлик оқила ва ташкилотчи аёл Дилбар Акрамова ҳам бор. У мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш борасидаги хизматлари, ёш авлодни ватанпарварлик ва халқпарварлик руҳида, ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялашга қўшган самарали ҳиссаси учун кўксига "Олтин юлдуз" тақадиган бўлди. Қаҳрамон билан бирга ишлаган, уни яқиндан билганларнинг барчаси юксак мукофот ҳақиқий соҳибини топганлигини таъкидлашмоқда.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

Олий Мажлисда

## Кичик комиссия йиғилиши

Олий Мажлисда Ижтимоий сиёсат масалалари бўйича кичик комиссия йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда Олий Мажлис депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Д.Ғуломова, олий ва ўрта махсус таълим вазири С.Ғуломов, соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари Д.Асадов, халқ таълими вазирининг ўринбосари У. Мусаев, маданият ишлари вазирининг ўринбосари Э.Эрназаров иштирок этдилар.

Олий Мажлиснинг Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитаси раиси М.Сафаева йиғилишни очиб, Президент И.Каримовнинг Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессиясидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар ҳақида тўхталди. Кичик комиссия фаолияти демографик ва бошқа миллий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда кучли ижтимоий сиёсат олиб боришнинг ҳуқуқий асосларини яратишга қаратилган.

Йиғилиш иштирокчилари ижтимоий инфратузилмани, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларини янада ривожлантириш, нафақа билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш бўйича қатор қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш, амалдаги қонунларга эса тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш борасида аниқ таклифлар киритишди.

Шунингдек, фуқаролик жамияти асосларини барпо этишнинг энг муҳим таркибий қисми бўлган маънавият ва маърифат соҳасида, фарзандларимизни баркамол инсонлар қилиб тарбиялаш борасида ҳам қатор ташаббуслар билдирилди.



*Анору олмалари, келинчакнинг нозик бармоқлари янглиғ хусайни узумлари билан машҳур бўлган Қува, бугунги кунда қандолатчилик маҳсулотлари билан нафақат республикамизда, балки қўшни давлатларда ҳам ном чиқарган. Қува қандолатчилик корхонаси йилдан йилга ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириб, маҳсулот сифатини оширишга эришаётир. Корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар "Қува қандолатчилик фабрикаси" тамғаси билан харидорларга етказиб берилмоқда.*

**СУРАТДА: цех ишчиси Нигора Тожибоева иш устида.**
**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

## Вазифалар белгиланди

Миллий матбуот марказида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда ташкилотнинг жорий йилдаги фаолияти ва галдаги вазифалари муҳокама этилди.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раиси Б.Убайдуллаев ёшларни соғлом турмуш талаблари асосида тарбиялаш, уларнинг жамиятда муносиб ўрин эгаллаши, ўз ақл-заковати, куч-ғайратини тўла намоён этишига кўмаклашиш борасида муайян ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади. Ҳозирги кунда ҳаракатнинг аъзолари сони 4,4 миллион нафарга етди.

Улғайиб келаётган авлодни жисмоний тарбия ва спортга жалб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада ҳар бир маҳалла ва мактабда спорт майдончалари яратиш ташаббуси илгари сурилди. Шу кунгача 102 шундай янги иншоот қурилди, 161 таси таъмирдан чиқарилди.

Йил бошидан буён ҳаракат бўлимлари ёрдамида саккиз минг олти юздан зиёд ишсиз йигит-қиз доимий ва мавсумий иш билан таъминланди. Икки юз ўттиздан зиёдига эса кичик ва ўрта бизнес корхоналари очиш ёки фаолиятини ривожлантириш учун банклардан кредит олишда кўмаклашилди.

Йиғилишда ташкилот тизимлари фаолиятидаги мавжуд камчилик ва нуқсонлар ҳам атрофлича таҳлил этилди, уларни бартараф этиш чора-тадбирлари белгиланди.

**Баҳор ХИДИРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

## Конституция боғи барпо этилди

Конституция — ҳаётимизнинг Асосий Қонуни. Унда илк бор мустақил мамлакатимиз фуқароларининг асосий ҳуқуқ ва бурчлари теран баён этилган. Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш борасидаги Фармойишига биноан жойларда Асосий Қонунимиз ҳар бир бандининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини ўрганишга жиддий эътибор берилаётир, турли тадбирлар, учрашув ва суҳбатлар ўтказилаётир.

Тошкент Давлат техника университети биносига кираверишидаги сўлим хиёбонда Конституция боғи барпо этилди.

Боғда Бош қомусимиз моддалари ўзбек, рус ва инглиз тилларида безаклар билан уйғун ҳолда стендларда ўз аксини топган.

**(ЎзА).**

Ҳамкорлик қирралари

## Ўзбекистоннинг янги генофонди

Хабарингиз бор, шу йил баҳорида мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг АҚШга расмий сафари чоғида икки давлат раҳбарлари ўртасида ўзаро ҳамкорликка оид кўплаб ҳужжатлар имзоланганди. Жумладан, республикамиз қишлоқ хўжалиги соҳасидаги алоқаларни АҚШ вазирлик ва идораларининг имтиёзли грант лойиҳалари доирасида мустаҳкамлаб боришга келишиб олинган эди. Орадан кўп вақт ўтмай, АҚШ Қишлоқ хўжалик департаменти билан республикамиз Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ўртасида PL-480 грант дастури ишлаб чиқилди. Бу дастурга биноан, АҚШ ҳукумати республикамизда озиқ-овқат базасини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги илмий-тадқиқот ишларига грант маблағлари ажратишни кўзда тутганди. Ҳозир ушбу дастур доирасида 30 та лойиҳа ва илмий-тадқиқот ишлари АҚШнинг нуфузли университетлари олимлари билан ҳамкорликда амалга оширилмоқда.

Таъкидлаш лозимки, ана шу грант лойиҳаларига кўра, Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институти қошидаги «Уруғчилик генофондини сақлаш» биноси таъмирланиб, янги технологиялар билан таъминланиши лозим эди. Кеча мазкур илмий даргоҳда ушбу генофонднинг ишга туширилиши муносабати билан маросим бўлиб ўтди. Унда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Қибрай тумани ҳокимлиги, қурғоқчил минтақаларда қишлоқ хўжалигини тадқиқот қилиш халқаро «ИКАРДА» марказининг Марказий Осиё ва Кавказорти ҳудудлари бўйича вакиллари, олимлар ва журналистлар иштирок этди. Маросимда сўзга чиққанлар янги генофонднинг мамлакатимиз иқтисодиётидаги ўрни хусусида фикр- мулоҳазалар билдирди.

— Шу пайтга қадар республикамизда экин турларининг навларини сақлаш ва янгилаб туриш учун ҳар икки-уч йилда қайта экиб, улардан янги уруғ олишга тўғри келарди, — дейди «Агроилмдунё» илмий-ишлаб чиқариш корхонаси директори, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори Аббосхон Маърупов.— Бу эса катта миқдорда сарф-харажатни талаб этарди. Ҳамдўстлик давлатларида биринчи бўлиб юртимизда ишга туширилган янги генофонд эса Ўзбекистон — АҚШ ҳамкорлигини янада юқори поғонага олиб чиқиш билан бир қаторда Марказий Осиёдаги қишлоқ хўжалиги экинлари уруғини сақлаб берувчи ягона генетик банк бўлиб қолади. Негаки, мазкур генетик банк жаҳоннинг турли минтақаларидан келтирилган 120 хил ўсимликнинг 50 мингдан зиёд нусхаларини ортиқча харажатларсиз яна 10-12 йилгача сақлаш имконини беради. Шу билан бирга, у мамлакатимиз аҳолисини экологик жиҳатдан соф озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ва ноёб ўсимлик навларини сақлаб келажак авлодга етказишда муҳим ўрин тутади.

**Баҳодир ОСТОНАҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Қирқиш чизиғи

*Ўзбекистон Республикасининг*

*ҚОНУНИ*

## "Реклама тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **ҚАРОР ҚИЛАДИ**:

Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 25 декабрда қабул қилинган "**Реклама тўғрисида**"ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, №1, 14-модда) қуйидаги ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилсин:

1) **4-моддаси:**

**иккинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"**реклама** – бевосита ёки билвосита фойда (даромад) олиш мақсадида юридик ёки жисмоний шахслар, маҳсулот, шу жумладан товар белгиси,

2

Буклаш чизиғи

да, журналларнинг ва бошқа даврий нашрларнинг муқоваларида, шунингдек бундай нашрларнинг телерадиодастурлар эълон қилинаётган саҳифаларида алкоголли ичимликларни реклама қилиш;

оммавий ахборот воситаларида, тиббий, спорт, мактабгача тарбия, таълим муассасаларида, транспорт воситаларида (тамакини ва тамаки маҳсулотларини ташишга ихтисослаштирилганларидан ташқари), шу жумладан умумий фойдаланишдаги йўловчилар транспорт воситаларининг салонларида, шунингдек ташқи реклама ёрдамида тамакини ва тамаки маҳсулотларини реклама қилиш";

6) **27-моддасининг:**

**биринчи қисмидаги** "ўз зиммасига реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назорат олиб бориш юклатилган давлат органларининг талабига кўра улар белгилаган" деган сўзлар "ваколатли давлат органининг талабига кўра у белгилаган" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**иккинчи қисмидаги** "монополияга қарши давлат органининг" деган сўзлар "ваколатли давлат

7

Қирқиш чизиғи

даланиш тақиқланади, реклама берилаётган пайтдаги ҳаракатланувчи сатрлар бундан мустасно";

**бешинчи** ва **олтинчи қисмлари** тегишинча **еттинчи** ва **саккизинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

4) **20-моддасининг:**

**биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Ташқи рекламага алоҳида махсус конструкцияларда, тахталавҳаларда, экранларда, биноларда, иншоотларда, йўл чеккаларида, кўча ёритгичларининг таянчлари ва ҳоказоларда жойлаштириладиган реклама киради";

**тўртинчи қисмидаги** "ва кўрсаткич белгилар" деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**олтинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"Ташқи рекламани маданий мерос объектларида, йўл белгиларида ва светофорларда, уларнинг тиргакларида ёки ҳаракатни тартибга солиб турувчи бошқа ҳар қандай қурилмаларда, шунингдек дов-дарахтларни пайҳон қилиш ва туташ ҳудуддаги ободонлаштириш воситаларини бузиш йўли билан жойлаштириш тақиқланади";

5) **23-моддаси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

4

Буклаш чизиғи

**"23-модда. Тамаки, тамаки маҳсулотлари ва алкоголли ичимликлар рекламаси**

Тамаки, тамаки маҳсулотлари ва алкоголли ичимликлар рекламаси тамаки чекиш ва алкоголли ичимликни истеъмол қилишнинг зарари ҳақида огоҳлантириш билан қўшиб олиб борилиши керак. Тамаки, тамаки маҳсулотлари ва алкоголли ичимликлар жами рекламаси майдонининг камида 5 фоизи ҳамда телевидение ва радиодаги алкоголли ичимликлар реклама ролиги эфир вақтининг камида 5 секунди ана шундай огоҳлантириш учун ажратилиши лозим.

Тамаки, тамаки маҳсулотлари ва алкоголли ичимликлар рекламаси чекиш ва алкоголли ичимликларни истеъмол қилиш жараёнларини намойиш этишдан иборат бўлмаслиги, бу жараёнлар ижтимоий ва спорт ютуғига эришиш учун ёки истеъмолчиларнинг жисмоний ва руҳий ҳолати яхшиланиши учун муҳим аҳамиятга эга, деган тассурот туғдирмаслиги керак.

Алкоголли ичимликлар рекламаси тиббий, спорт, мактабгача тарбия муассасалари, шунингдек умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим муассасаларидан камида беш юз метр на-

5

*«...соғлом одам соғлом фикрлайди, соғлом фикрлайдиган одамгина Худога иймон келтиради, эътиқоди соғлом бўлади.»*

**Ислом КАРИМОВ.**

Ҳаким Абу Али ибн Сино айтадики...

# Кўзни даволаш ҳақида



Билгинки, кўз касалликларининг барчаси кўп уйқусизлик, кўп йиғлаш, кўп оғриқ, кўп иситмалашдан, жазирамада кўп оёқ яланг юриш ва совуқ сувни бошдан кўп қуйишдан вужудга келади. Агар шафтолининг мағзини куйдириб сурма билан янчилса ва кўзга қўйилса, кўз ҳароратини кетказади. Агар арпабодиён сувини сурмага қўшиб кўзга тортилса ҳам кўз ҳароратини кетказади ва шабкўрликни йўқотади. Агар кашнич сувини ёки гулобни кўзга тортилса, кўзга тушган оқни йўқотади. Агар хурмо уруғини куйдириб ва асал билан аралаштириб кўзга қўйилса, кўз оқидаги қизил томирни ва кўзга тушган оқни йўқотади. Гунафшани янчиб ва гулоб билан аралаштириб кўзга қўйиб боғланса, кўздаги шиш ва оғриқни кетказади. Агар кўп аксириш кўзни шиширса, бошга сирка ва ёғ суртиш билан қайтарилади. Тўтиёни кўзга суртилса, кўздан сув келишини тўхтатади ва кўришни кучайтиради. Кўзга олтин мил ишлатилганда кўз нури ортади. Агар пашшани қуритиб янчилса ва сурмага қўшиб кўзга суртилса киприкларни ўстиради. Аёл сутини қирқ кун кўк кўзли гўдакнинг кўзига қуйилса, у қора кўз бўлади...

**"Жудия" рисоласидан.**

Китоблар оламида

# Ирсият нима?




Ирсият тўғрисидаги дастлабки тушунчалар антик даврдаги қадимги юнон файласуфларининг асарларида учрайди. Айниқса, Гиппократ, Анаксагор, Аристотелнинг ирсият ва жинснинг шаклланиши тўғрисидаги дунёқарашлари диққатга сазовордир. Марказий

Осиё олимлари, жумладан, Абу Али ибн Сино ўзининг ирсият соҳасидаги илмий кузатишлари асосида, агар одам бақувват ва соғлом бўлса, унинг авлоди ҳам шундай бақувват ва соғлом бўлади, дея хулоса чиқарган ўз даврида. У биринчи бўлиб айрим касалликларнинг наслдан-наслга суриши, хасталикларнинг намоён бўлиши мижозга боғлиқ экани ҳақидаги фикрларини баён этиб қолдирган.

Ҳозирги даврда генетиканинг селекция, молекуляр генетика, одам генетикаси сингари бир қанча тармоқлари ривожланиб бормоқда. 70-йиллардан бошлаб Ўзбекистонда генетика фанининг ривожланиши Ё.Тўрақулов, Ж.Ҳамидов, Ж.Мусаев, А.Оқилов сингари олимларнинг номлари, илмий ишлари билан боғлиқ. Эндиликда олий ўқув юртларида, коллежларда тиббий генетика алоҳида фан сифатида ўқитилмоқда. «Тиббиёт генетикаси» тиббиёт коллежларининг талабалари учун тавсия этилган. Унда турли ирсий хасталикларнинг келиб чиқиш сабаблари ва даволаш, қон-қариндош никоҳларнинг оқибатлари ҳақидаги маълумотлар бор. Шунингдек, қўлланманинг яна бир муҳим жиҳати унда тиббиётга тааллуқли сўзларнинг изоҳли луғати берилганида. П.Олимхўжаева ва Д.Иноғомоваларнинг мазкур китоби Абу Али ибн Сино номидаги Тиббиёт нашриётида чоп этилган.

**У.ФАЙЗИЕВА.**



# 70 йил ва 100 минг

*Самарқанд шаҳри Боғишамол туманидаги 2-туғруқхона қурилганига ва фаолият кўрсатаётганига 70 йил тўлди. Ана шу тантана арафасида, бу ерда 100 мингинчи чақалоқ дунёга келди.*

*— Касалхонамиз нафақат туманимиз аёллари, балки қўшни вилоятлардан келган аёллар учун ҳам хизмат кўрсатади, — дейди касалхона бош шифокори, тиббиёт фанлари номзоди Алиасқар Сафаров. — Бу ерда оналик бахтига муяссар бўлган аёллар, шунингдек, жинсий хасталиги бор ва фарзандсиз бемор аёллар келиб даволанадилар. Туғруқхонага келган беморларга малакали мутахассис-шифокорлар ва ширинсухан ҳамширалар алоҳида меҳр ва эътибор билан қарайдилар.*

**СУРАТДА: шифокорлар Матлуба Рашидова ва Динора Ҳасанова.**

**Т.НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган сурат.**

Шифокор маслаҳат беради

# Саломатлик кушандаси

Гижжалар, бошқача айтганда, гельминтлар паразит ҳолда ҳаёт кечирувчи куртлар бўлиб, одам организмида яшаб, унга механик, токсик ва аллергик таъсир кўрсатади. У гижжаси бор бемордан соғлом одамга ифлос қўллар, гижжа куртлари тутган чанг заррачалари, ташқи муҳит объектлари, сув, тупроқ, мева ва сабзавотлар, кўкатлар орқали юқади. Биогельминтлар эса одамга гижжа куртлари тушган ҳайвонларнинг гўшти, балиқ ва бошқалардан ўтади. Гельминтлар одам организмида бир неча ҳафтадан тортиб, 40 йилгача ва бундан ҳам узоқ яшайди. Уларнинг даҳшатли томони шундаки, масалан, мияда, қон томирлари, лимфа, мушаклардан тортиб, меъда-ичак йўлларида, жигар, ўт халтаси, ўпка ва бошқа жойларда бўлиши мумкин.

Гижжалар одам организмида ўзи яшаб турган жойдаги нарсаларни еб кун кўради. Витаминларни, оқсилларни ютади, углеводларни, микроэлементларни севади. Уларнинг кўпчилиги қонни сўради, шунинг учун гижжаси бор одамлар рангпар, қувватсиз бўлиб юрадилар. Кальцийни, йодни кўплаб йўқотиш натижасида бола яхши ўсмайди. Умуртқа поғонаси қийшаяди, бу боланинг ақлий ривожланишдан орқада қолишига сабаб бўлади, бўқоқ бези катталашади. Иммунитетнинг сусайиб кетиши эса кўпинча СПИД юқиши хавфини келтириб чиқаради. Терига оқ доғлар тушиши — пес, сочнинг тўкилиб кетиши, дерматит, аллергия, эпилепсия, анемия, холецистит, энтероколит, гастритга ҳам гижжалар сабаб бўлади.

Мутахассислар беморларни даволашдан олдин, аввало, уларда гижжа бор-йўқлигини аниқлаб оладилар. Чунки одамнинг ичида гижжаси бўлса, ҳар қандай касалликни даволаш қийин бўлади. Масалан, И. исмли бемор оёқларига оқ доғлар тушганидан тери касалликлари шифокорига мурожаат қилади. Иштаҳаси йўқ, киндиги атрофи оғриб, қийналади, кўнгли айнаб туради, ҳоли йўқ, ухлаб ётганда тишларини ғижирлатади. Салга тутоқиб кетади, орқа чиқарув тешиги атрофи қичиб, азоб беради. Текширилганда унда гижжанинг острица хили борлиги аниқланди. Бемор гижжасини туширадиган дорилар буюрдик, дерматологнинг кузатуви натижасида оқ доғлар йўқ бўлиб кетди.

Одам организмида паразитлик қиладиган гижжаларнинг 250 дан ортиқ хили аниқланган. Республикамизда энтеробиоз, гименолепидоз, аскаридиоз, тениаринхоз, эхинококклар ҳаммадан кўп учрайди.

Энтеробиоз — гельминтоз бўлиб, қўзғатувчи юмалоқ гельминий — острицалар ҳисобланади. Майда ичакда паразитлик қилади. Бор-йўғи бир ой яшагандан сўнг 12000 тухум қўяди-да, ўзи ўлади. Гименолепидозни пакана гижжалар пайдо қилади. У кўпинча мактаб ёшидаги болаларда учрайди. Пакана гижжа одамнинг қонини, йодини, кальцийни еб кун кўради. Шунинг учун бемор камқон бўлади, бўқоқ безлари катталашади. Гижжа умуртқа поғонасининг қийшайиши — скалиоз ривожланишига сабаб бўлади.

Тениаринхоз — қорамол тизмаси пайдо қиладиган касаллик. Бу узунлиги 6 дан 10 метргача етадиган энг йирик гижжалардан бири. У одам организмида ичакнинг ингичка бўлимида 30 йилгача яшайди.

Эхинококкни майда лентасимон гижжалар пайдо қилади. Касаллик асосан итдан юқади. Эхинококкоз пуфакчалари ҳар қандай аъзода, тўқималарда, ҳатто бош мияда бўлиши мумкин.

Гижжа касалликларининг нақадар аянчли эканини кўриб турибсиз. Унга қарши жамоатчилик ва давлат миқёсида кураш олиб бориш керак. Ўз вақтида мутахассисга бориб, текширтириб турсангиз ва унинг маслаҳатларига амал қилсангиз, доим кўнгил хотиржам, соғ-саломат бўласиз.

**Мамлакат ИРГАШЕВА, тиббиёт фанлари номзоди, II ТошМИ қошидаги хирургия клиникаси паразитология бўлими доценти.**

Муштарий илтимосига кўра

# Қизлар қўли, қалдирғоч кўзи, илон ақли, лочин парвози...

*Операция кетяпти!.. «Янги меҳмон» — ўзга буйраги танада «ётсирамай», яшаб кетиши учун нимаики зарур бўлса, барча-барчаси ишга солиняпти. Беш дақиқадан сўнг қон айланиш йўлга қўйилди!.. Буйракнинг ҳаётчанлиги бошланди. Операция кутилганидан аъло тугалланди. Орадан кўп ўтмай бемор аста кўзларини очди. Уни юқори шаффофланган махсус хонага олиб ўтишди.*

*Қизиқ, аъзо ва тўқималарни кўчириб ўтказиш на масофани ва на чегарани билади. Бельгиядан олинган буйрак франциялик беморга келтириб ўтказилди, АҚШда эса бир беморга Лондондан олиб келинган буйрак кўчирилди.*

## Навбат — буйракка

Эҳтимол биларсиз, эҳтимол йўқ! Турли аъзолар турли вақтда ажал топар экан: дастлабки беш дақиқа ичида мия ҳалок бўларкан, сўнгра навбат жигарга, ана ундан кейин эса юракка ва, ниҳоят, сўнгги гал буйракка келаркан! Демак, аъзоларни тиклаш муддатлари ҳам ҳар хил. Тадқиқотчиларнинг мақсади — ана шу заҳира имкониятларини аниқлаш, кўчириб ўтказиш учун уларнинг ҳаётчанлигини самарали тиклашдан иборат.

Маълумки, одам «эҳтиёт қисм»лари — аъзолар ва тўқималарни кўчириб ўтказиш узоқ тарихга эга. Айтишларича, Америкадаги заводлардан бирининг деворига: «Огоҳ бўлинглар! Оллоҳ одамни яратишга яратган-у, лекин унинг учун «эҳтиёт қисм»лар тайёрлашни унутган», — деган ёзув осиғлиқ турармиш. Бу ҳазиломуз гап, албатта! Бироқ одам учун «эҳтиёт» аъзолар яратиш масаласи ҳақиқатан ҳам қадим-қадимдан алломалар эътиборини ўзига жалб этиб келяпти.

«Сицилиялик шифокор Бранка 1503 йилда бир оқсуякнинг бурнини «гўзаллаштириш» учун унга малайининг терисидан олиб ёпиштирган, аммо бу уриниш беҳуда кетган.

Академик Ўктам Орипов (марҳум) билан бўлган бир мулоқотимизда у шундай ҳикоя қилиб берганди:

— 1967 йилнинг 3 декабрида жанубий африкалик жарроҳ Кристиан Бернард одам юрагини кўчириб ўтказганини айрим Ғарб журналистлари «Аъзоларни кўчириб ўтказиш асрининг бошланиши» деб, юксак баҳо бергандилар. Аслида эса тўқима ва аъзоларни кўчириб ўтказишни ўрганувчи фан — трансплантология XIX асрнинг биринчи ярмига тааллуқли бўлиб, рус жарроҳи Н. Пирогов, француз Оллье ва Ревердан, немис Тирш ва Краузе, рус шифокорлари К.Сапежко, М.Григорьев ва бошқаларнинг номи билан боғлиқ.

Атоқли француз жарроҳи ва патофизиологи Алексис Каррель XX аср бошларида итлар устида олиб борган тажрибаларида аъзоларни кўчириб ўтказиш мумкинлигини амалиётда исботлаган эди. Лекин у тўқималарнинг мос келиш-келмаслигини ҳисобга олмаган. Шунга қарамай унинг кашфиёти тиббиётда буюк бурилиш ясади ва у ҳақли равишда Нобель мукофотига сазовор бўлди.

Ўтган асрнинг йигирманчи йилларига келиб, чет эл мутахассислари кексаларни «ёшартириш» мақсадида уларга ёшларнинг, кўпроқ маймунларнинг айрим аъзоларини кўчириб ўтказа бошлаганлар. Аммо кўп ўтмай бу аъзолар баданга «сўрилиб» кетиб, тез орада «иш» қобилиятини йўқотиши бундай операциялардан воз кечиш кераклигини кўрсатди.

1933 йилнинг 3 апрелида украиналик ёш жарроҳ Ю.Вороной оғир буйрак касаллиги туфайли ўлим бўсағасида турган 26 яшар аёлга автомобиль ҳалокатида оламдан ўтган 60 ёшли эркакнинг ўлимидан олти соатдан кейин олинган буйрагини кўчириб ўтказди. Лекин аёл операциядан кейин икки кунгина яшади. Дунёда биринчи бўлиб беморга буйрак кўчириб ўтказиш (гарчанд яхши натижа билан тугамаган бўлса-да) трансплантологиянинг қайта ривож топишига туртки бўлганди.

— Кўчириб ўтказиш аъзони қаердандир олиб, кимгадир улаш демакдир. Бинобарин, қанчалик кўнгилсиз бўлмасин, зарур аъзо асосан бирон фалокат ёки бахтсиз ҳодисада қурбон бўлган марҳум танасидан олинади. Шундай қилиб, кимнингдир ҳаёти кимнингдир ўлимига боғлиқ, — деган эди машҳур жарроҳ Г.Соловьев.

Дарвоқе, фақат буйрак ёки юракнигина эмас, балки илик, тери, суяк, томир, тоғай, кўз шох пардаси ҳам кўчириб ўтказилгани ва ўтказилаётганига нима дейсиз?! 1958 йилнинг 18 октябрь куни Югославиянинг Винче шаҳрида фавқулодда фалокат юз берди. Ядро реакторида ишлаётган беш нафар олим кучли нурланишга учради. Турли муолажалар бефойда кетди. Шундан кейин уларни Парижга, машҳур профессор Матэ шифохонасига келтиришди. Бу ерда беморларга соғлом кишилардан олинган иликни кўчириб ўтказиб, беш кишидан тўрт нафарининг ҳаётини сақлаб қолишганди. Шундай қилиб, тиббиёт тарихида илк марта ҳалокатли нур дардига учраган одамларга шифо ато этишга муяссар бўлинган.

Касал иликни даволаш, уни кўчириб ўтказиш масалалари билан Тошкентдаги гемотология ва қон қуйиш илмий-тадқиқот институти олимлари ҳам шуғулланишмоқда. Умуман, ҳозирги пайтда эгизакларда илик ва буйрак кўчириб ўтказиш бўйича операциялар муваффақиятли ўтмоқда. Лекин ўпкани кўчиришдаги натижалар айтарли қувонарлимас.

## Узилган қўл ва суяк уланди

Эндиликда айрим кишиларнинг бировларнинг суяги, бўғимлари ва бошқа аъзолари билан яшаётгани тиббиёт илмининг нақадар илдамлаб кетганлигидан далолат беради. Бундан бир неча йил аввал жаҳон бўйлаб бир хабар тарқалганди: Санкт-Петербургдаги И.Павлов номли 1-тиббиёт институтининг жарроҳлик факультети клиникасида узилган қўлни улаш операцияси муваффақиятли ўтказилди. Бу операция ўн соат давом этди. Тажрибали жарроҳлар микроскоп ёрдамида қайси жойни қаерга улаш лозимлигини аниқлаб, белгилаб олишди. Кейин қон томирларни улашга тайёрладилар. Сўнгра елкадан узилган мускул ипларини, асаб толаларини топиб, улашга киришдилар, узилган қон томирларни улаб, тикилгач, синган суяклар бир-бирига ёпиштирилди. Бир неча ойдан сўнг бемор аввал бармоқларини қимирлатишни, сўнгра қўлини букишни, ва, ниҳоят, ҳаракатга келтиришни ўрганиб олди.

Дарвоқе, улуғ алломамиз Ибн Сино тиб илми билан банд бўлганларга шундай шарт қўйган эди: «Шифокор — қизлар қўлига, қалдирғоч кўзига, илон ақлига, лочин парвозига эга бўлгандагина ҳақиқий шифокор бўла олади».

Тўғри, бугунги кунда шифокорлар шикастланган аъзоларнинг айримларини сунъийси билан алмаштиришга эришишди. Лекин шикастланган суяк ўрнига бошқа суяк ўтказиш юзасидан қилинган уринишлар доим ҳам муваффақиятли чиқавермаган. Чунки бегона танада битиб кетиши учун тўқималар ҳам бир-бирига мос келиши керак эди.

Ниҳоят, бугунги кунда тиббиёт хазинаси бузилмайдиган қилиб сақланган — «консерваланган» суяк билан бойиди. Москвалик олим О.Имомалиев суякларни бўғимлари билан яхлит қилиб кўчириш устида жиддий иш олиб борди.

Маълум бўлишича, суяк минус етмиш даражагача совутилса, тўқималардаги суюқлик узоқ вақт бузилмай туравераркан. Олимга бу жуда қўл келди. Унинг машаққатли меҳнати зое кетмади.

## Қон томирлар ва ҳатто, калланиям...

Қон томирларини кўчириб ўтказиш борасидаги илмий изланишлар ва тажрибалар ҳам тилга олган кашфиётлардан сира-сира қолишмайди. Қон томирларни кесиб ўтказиш учун беморнинг лат еган томири ўрнига унинг бошқа еридан кесиб олинган томирини уласа бўларкан. Буни машҳур жарроҳ Б.Петровский ўз ҳамкасблари билан исботлаб берганди. Беморнинг шикастланган томири ўрнига соғлом артерия ва вена қон томиридан бир бўлагини кесиб, ўзига улаш маъқул экан!

Олимлар бус-бутун каллани кўчириб ўтказишга қасд қилишди.

— Биринчи марта итнинг жигари, қорин бўшлиғи аъзоларининг ҳаммаси, олдинги оёғи билан бирга бошини кўчириб ўтказишдек фавқулодда қийин операция бизнинг лабораторияда бажарилган, — деган эди профессор В.Демихов. — Буни қарангки, итнинг бегона танага уланган боши бамайлихотир овқат ерди, лақабини айтиб чақирса, бурилиб қарарди, жиғига тегса, ҳатто тишларди ҳам!

Кечагина хаёлий саналган бу ғаройиботлар бугун чинга айланса, ажабланмай бўладими?! Буларнинг бари узоқ келажакка нигоҳ ташлаётган тиббиёт илми билимдонларининг мўъжизакор изланишлари, машаққатли меҳнати маҳсули эмасми?

Мана, бунисига нима дейсиз? Жарроҳ Демихов ва унинг шерикларига икки бошли итни яратишнинг нима ҳожати бор эди? Бу тажриба шуни кўрсатдики, ҳатто энг сезгир ва энг мураккаб тузилган аъзо бош мия ҳам, калла танадан жудо қилиниб, бошқа танага уланганда ўзининг нозик фаолиятини сақлаб қоларкан. Катта итнинг бошига уланган кичик ит боши учун керакли моддалар ва кислород катта итнинг томирларидан келаркан. Ҳаммадан қизиғи, агар катта ит бошига кучук бола боши уланса, у тез ўсаркан.

Албатта, бу каби турли-туман тажрибалар дунёда энг азиз зот — инсон ҳаёти учун беминнат хизмат қилиши, табиий.

Бироқ минг афсуски... «Буйрагимни икки юз миллион лирага сотаман. Пул жудаям зарур». Кишиларни ларзага солувчи бу сатрлар Римда чиқадиган «Гадзетта» рўзномаси саҳифасида пайдо бўлганига бир неча йил бўлди. Икки фарзанднинг онаси ўттиз тўрт ёшли аёл квартира ҳақи тўлашга пули йўқлигидан матбуотда ана шундай эълон беришга мажбур бўлган эди. Чунки икки фарзанди-ю, қариб қолган ота-онаси билан кўчада қолмаслик учун ўз соғлиғини қурбон қилишга рози бўлган.

Ана шундай кўнгилсиз воқеаларга қарамай эндиликда оғир дард азобини тортаётган беморлар соғлиғини муҳофаза қилувчи йўл — одамлар учун «эҳтиёт қисм»лар ҳисобланмиш аъзо ва тўқималарни кўчириб ўтказиш бўлиб қолганлигини инкор этолмаймиз.

Айтадилар-ку, ишқилиб тўрт мучаси соғ бўлсин, деб. Тиббиёт илмида мўъжиза яратаётган қўли енгил, қалби мусаффо осмондай кенг алломалар изланишлари ҳамиша бароридан келаверсин, деймиз.

**Миршароф МУҲСИМОВ, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист.**

Шифобахш гиёҳлар



# Бўтакўз

Бўтакўзнинг шифобахш хусусияти азалдан маълум. Халқ табобатида ўсимликнинг тилсимон гулбаргларидан тайёрланган дамлама безгак хуружига қарши, шамоллаш, йўтал, кўкйўтал, ичбуруғ, чиллашир, қорин оғриғи, буйрак ва асаб хасталикларида тавсия этилиши билан бирга терлатувчи, пешоб ҳайдовчи сифатида қўлланилади.

Халқ табобатида бўтакўз истисқо, сариқ касаллигида, буйрак ва пешоб халтаси яллиғланишида, ўт, тер ва пешоб ҳайдовчи омил сифатида ҳамда шапкўрлик асорати натижасида келиб чиққан баъзи бир хасталикларни даволаши мумкин. Бироқ бунда албатта парҳезга амал қилиш керак, иложи борича жигар ва балиқ мойидан истеъмол этиб туриш лозим.

Бўтакўзнинг бу қадар серхосиятлилиги унинг таркибида мавжуд бўлган шифобахш моддаларнинг мажмуаси билан тушунтирилади. Чунончи, унинг гуллари таркибида флаваноидлар, антоцианлар, центаурин, кницин, цикорин, минерал тузлар, органик кислоталар, витамин С, яна бир қанча ҳали яхши аниқланмаган моддалар бор.

Бўтакўз асаларилар учун жуда хушхўр озуқа бўлиб, ундан таркиб топган асал ўзининг шифобахшлиги ва татимлилиги билан ажралиб туради.

**Маннон НАБИЕВ.**

Қарор ва ижро

# Қонунбузарлик аниқланди ва...

*Юртимизга чет элдан сирти ялтироқ, сифатсиз маҳсулотлар келтиришнинг олди олинди. Маълумки, бунда Вазирлар Маҳкамасининг «Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида»ги қарори муҳим роль ўйнади. Иқтисодиётимизда туб бурилиш ясаган қарордан сўнг пештахталарга бежирим, сифатли маҳсулотлар қўйилмоқда. Қарор талабига кўра товарлар мамлакатимиз ҳудудига олиб киритилганлигини ва божхона тўловлари тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлган тақдирдагина савдо амалга оширилади. Бу белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган жисмоний — якка тартибдаги тадбиркорларга жуда қўл келаётганлигини таъкидлаш лозим. Аммо баъзи тадбиркорлар бунинг моҳиятини тушуниб етмаётганидан афсусланади киши.*

«Гулнора-Анор» хусусий фирмасига тегишли дўконлар сиртдан қараганда кўнгилдагидек фаолият юритарди. Аммо текширув ўтказилгач, уларнинг қинғирликлари фош этилди. Қарангки, қонунга зидлигини билганлари ҳолда дўконда акциз маркасиз 23 хилдаги 202 шиша спиртли ичимлик билан савдо қилинаётган экан. Ҳисоблаб чиқилганда, унинг миқдори 281700 сўмни ташкил этди.

Туманимизда аҳолининг оғирини енгил қиладиган «Ширин» деҳқон бозори бор. У ерда ҳам солиқ идораси ходимлари билан ҳамкорликда текширувлар ўтказилди. Аниқланишича, бозорда турли кўринишдаги ғирромликлар мавжуд экан.

Хусусан, икки фуқаро ҳужжатсиз — бирови 38200 сўмлик, бошқаси 56100 сўмлик ёғ маҳсулотлари билан савдо қилаётган эди. Энг қизиғи, улар ўз фаолиятлари жиноят эканлигини билганлари ҳолда маҳсулотларини ташлаб қочиб қолишибди. Бундан ҳушёр тортган солиқчилар ва прокуратура ходимлари бозорни кўздан кечиришда давом этадилар. Натижада фуқаро А.Расулов ҳам ҳеч қандай ҳужжатсиз 72250 сўмлик ёғ маҳсулотини сотаётган маҳалда қўлга тушди. Сўраб-суриштирилганида, фуқаро айбини тан олди.

Инсоннинг кўриш, эшитиш органлари уни асосан ташқи муҳит билан боғлаб туришлигини ҳаммамиз яхши биламиз. Демак, унинг нечоғлик муҳимлигини таъкидлаб ўтириш шарт эмас. Бироқ, айрим фуқароларнинг бунга бефарқлиги, тўғрироғи, мўмай даромадни деб, беписанд қарашига йўл қўйиб бўлмайди. Яна айнан шу бозорчада Д.Холматов деган фуқаро кўзойнак сотаётган экан. Ундан маҳсулотнинг қаерда ишлаб чиқарилганлиги, таркиби, истеъмолга яроқлилигини тасдиқловчи ҳужжатлар сўралганда, жим қолади. 108400 сўмлик маҳсулотни савдога олиб чиққан одамнинг ер чизиб ўтиришига нима дейсиз. Холматов бу иши қонунга зидлигини билмаган дейишга асос борми?

Бундан ташқари баъзи дискоклубларда ҳам қонунбузарлик ҳолатлари содир этилаётгани фош этилди. Шундайлардан бири «Бонус» масъулияти чекланган жамиятга қарашли «Пятый элемент» дискоклубидир. Ғайриқонуний ҳолда моддий манфаатни устун билган дискоклуб раҳбари Д.Қурбонов бармен А.Вартанянц билан ўзаро тил бириктиради. Оқибатда клубда 262000 сўмлик акциз маркасиз спиртли ичимликларни сотаётгани ошкор бўлади. Ушбу жиноий ҳаракатнинг аниқланишида Тошкент шаҳар ДСБ ходимларининг ҳиссаси борлигини таъкидлаш лозим.

Яна бир далилни афсус билан таъкидламоқчиман. Туманимизда иқтисодий жиҳатдан ўзини анча тутиб олган «Нами Дўстлик» хусусий фирмаси бор. Бу фирманинг бошқаларга ўрнак бўларли томонлари етарли эди. Аммо «Нами Дўстлик»ка қарашли дўкон текширилганда, қонунбузарлик аниқланди. Негаки, дўконда Е.Мектиева ҳеч қандай ҳужжатсиз 6000000 сўмлик озиқ-овқат, ноозиқ-овқат маҳсулотлари билан савдо қилаётган экан...

Умуман олганда, Вазирлар Маҳкамасининг ушбу 154-қарори ижроси юзасидан ўтказилган текширувлар чоғида кўпгина қонунбузарликлар, жиноий ҳаракатлар фош этилди. Туманимизда бундан кейин ҳам солиқ идораси ходимлари, тегишли ташкилотлар мутахассислари билан ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида ҳамкорлик давом эттирилаверади.

**Бахтиёр ҲАҚНАЗАРОВ,**
**Мирзо Улуғбек тумани прокурори, адлия катта маслаҳатчиси.**

*Харидоргир, сифатли, қонуний йўл билан келтирилган маҳсулотлар бозорларимиз кўрки. Табиийки, бундан харидор ҳам, сотувчи ҳам барака топади...*

*Сиз кўриб турган суратда Андижон вилояти, Бўз тумани давлат солиқ инспекцияси ходимлари бозорларда сотилаётган маҳсулотларга оид ҳужжатларни кўздан кечираётган пайт акс этган.*



Сўраган эдингиз?

# Саволларга Адлия вазирлиги жавоб беради

**З.КАМОЛОВА, тижорат олий ўқув юрти талабаси:**

*— Хорижий давлатлардаги тижорат олий ўқув юртларининг дипломларини нострификациялаш қандай тартибда амалга оширилади?*

— Хорижий давлатларда берилган таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни нострификациялаш, яъни эквивалентлигини қайд этиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази таркибидаги Кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш, педагог кадрлар ва таълим муассасалари аттестацияси бошқармаси томонидан амалга оширилади. Бунинг учун ариза ҳамда унга илова қилиб, маълумот тўғрисидаги ҳужжат ва унинг иловаси ҳамда уларнинг ўзбек тилига нотариал тасдиқланган таржимаси билан мурожаат қилиш лозим. Сиз, шунингдек, ўз тайёргарлигингиз тўғрисидаги бошқа ҳужжатларни (жумладан, таълим олишнинг кейинги даражалари, касбий фаолият билан шуғулланиш мумкинлиги, амалий тажриба ҳақида ҳужжатлар ва бошқаларни) ҳам тақдим этишингиз мумкин. Ушбу ариза бир ой давомида кўриб чиқилиши керак.

**С.СУЛТОНОВ, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси:**

*— Вояга етмаган болалар учун коммунал хизматларга ҳақ тўлаш бўйича имтиёзлар мавжудми?*

— 2001 йил 17 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг янги босқичи тўғрисида»ги ПФ-2832-сонли Фармони қабул қилинган. Мазкур Фармон билан тасдиқланган Уй-жой коммунал хизматларга ҳақ тўлаш бўйича имтиёзлар бериладиган шахслар тоифаларининг рўйхатида бевосита вояга етмаганлар учун коммунал хизматларга ҳақ тўлаш бўйича имтиёзлар берилмаган, кўриш бўйича I гуруҳ ногиронлари бундан мустасно.

**Н.НОРМУҲАММЕДОВ, «Насаф» хусусий фирмасининг бошлиғи:**

*— Мен Фарғона вилоят хўжалик судининг жавобгардан 25 млн. сўм ундириш тўғрисидаги қарори ижро этилмаётгани хусусида сўрамоқчи эдим. Жавобгар топилмаяпти. Кимга мурожаат қилишим мумкин?*



— Қонунчиликка мувофиқ, суд қарорларини мажбурий ижро қилиш суд ижрочилари томонидан амалга оширилади. Суд ижрочиси қарздорни ёки унинг мол-мулкини қидириш бўйича зарур чора-тадбирларни кўради. Қарздор жисмоний шахсни қидириш ички ишлар органлари томонидан амалга оширилади.

*— Кези келганда иккинчи саволимни ҳам сўрасам. Қарзни фирма директорининг шахсий мулкидан ундириш ҳуқуқи қонунчиликда назарда тутилганми?*

— Хўжалик-процессуал кодексига мувофиқ, агар хўжалик низосини кўриб чиқиш чоғида суд мансабдор шахс ҳаракатларида жиноят аломатларини аниқласа, у жиноят иши қўзғатиш ҳамда етказилган зарар ундирилишини таъминлаш учун унга тегишли мол-мулкни хатлаб қўйиш ҳуқуқига эга.

Саҳифага мактуб

# Ёлғончилик ҳам эви билан-да

Тўрт фарзанднинг онасиман. Қийинчилик билан болаларни вояга етказдим. Икки ўғлим армия хизматини аъло даражада бажариб келди. Ёрдами тегар, камимизни тўлдирар, деган умидда ўғилларимни «АЗИР» фирмаси орқали Москвага ишга жўнатган эдим. Уларнинг айтишича, у ерда ойлиги яхши. Уч маҳал овқат, ётоқхона, прописка қилиниши, умуман, ҳаммаси жойида бўлади деб бизга тушунтиришганди. Мен ишонибман, денг. Болаларим ишлаб келса, уйлантирарман деган яхши ниятлар билан шу ишга қўл ургандим. Афсуски, шароб деб ўйлаганларимиз зардоб бўлиб чиқди. Қанча ваъдалар билан жўнатилган фарзандларим Москвада икки ой сарсон-саргардонликда юриб, озиб-тўзиб қайтиб келишди. Ваъда бўйича бир кундан сўнг ишга жойлашиб кетиши керак эди. Лекин... Улар кўрган кунни айтишга тилим бормайди. Фирмадагиларга, аҳволни тушунтирсак, «Қўяверинг, иссиққина меҳмонхонада ўтираверишсин, пулини барибир биз тўлагандан кейин» деган гапни эшитдим. Суриштириб билсак, Россия Федерацияси билан уларнинг ҳеч қандай шартномаси йўқ экан. Болаларни жўнатаётганда, агар иш ўхшамай қолса, «пулларни қайтарамиз» деган ваъдани беришганди. Мана олти ойдирки, пулни ололмай ҳалакмиз.

Ҳар бир болам учун 450 минг сўмдан пул бериб жўнатгандим. Бугун ўғилларим Ўткир, Дилшод, Дониёр Шомуродовлар тилини тишлаб ўтирибди.

Ўзгалар пули эвазига юлғичлик йўли билан бойиб келаётган бундай фирмачиларга чора кўрадиган ташкилот борми?

Фирмага бориб учрашганимизда муҳлат беришимизни илтимос қилишди. Биз шу йил 20 апрелда борган эдик. 20 майда ҳамма пулни қайтариб беришни ваъда қилишди. Сўнг 1 июнь дейишди. Мана шу пайтгача ваъда ваъдалигича қолмоқда. Бировни алдаш, фирибгарлик қилиш ҳам эви билан-да. Бу хатни бошқаларга сабоқ бўлиши ҳамда юртдошларини ўзга юртларда овора қилиб, эвазига пул ишлаб юрган фирмачиларни фош этиш учун ёздим.

**Раъно ШОМУРОДОВА,**
**Тошкент шаҳри Чилонзор тумани 19 мавзе 66-уй.**

ИИВ Матбуот маркази хабар қилади

## Муштумзўр тутилди

**Кўпгина ҳолатларда зўравонлар автомашиналарга йўловчи тариқасида ўтириб, йўлда ўзларининг ғаразли мақсадларини амалга оширишга уринадилар. Ҳозирги воқеа эса бунинг мутлақо акси. Пойтахтимиздаги такси паркларидан бирида ҳайдовчи бўлиб ишловчи М.Аҳмаджон ўзига бириктирилган «Тико» русумли автомашинасида йўловчи — оҳангаронлик М.Ҳайринисо билан Занги ота туманидан Қўйлиқ даҳасига кетаётган эди... Ҳайдовчи йўлда йўловчисига бир-икки сирли қараш қилиб қўйди. Алишер Навоий номидаги ширкат хўжалиги ҳудудига етганда эса авзойи бузилиб, нияти ўзгарди. Автомашинани тўхтатди-ю, бирдан йўловчисига ташланиб қолди. Эсанкираб қолган қиз нима қиларини билмай додлаганча қолаверди. Таксичи мижозни куч ишлатиш йўли билан сийлаб, машинадан тушириб юборади. Ва ичида 10 минг сўм пули бўлган сумкасини олиб кетади. Кўз ёшини тўккан қиз тақдирига ачиниб, ички ишлар бошқармасига мурожаат қилди. Зудлик билан «Тутиш» тадбири эълон қилинади. Кўп ўтмай милиция ходимлари зўравон таксичини етаклаганча, ИИББга кириб келадилар.**

## Номард улфат

**Тошкент шаҳрининг Шайхонтоҳур тумани Халқлар Дўстлиги кўчасидаги кўп қаватли уйнинг хонадонларидан бирида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган В.Десяткин «улфати» Я.Қаюмов билан олдинига оз-оздан отишади. 50 граммдан кейин «ақли кирган» В.Десяткин у билан янада тортишиб қолади. Кайфи зўр Я.Қаюмов даставвал унга бўш келмайди. Бироқ, меҳмонлиги ёдига тушади, шекилли, бироз ўзини босади. Унинг бу ҳаракатлари уй эгасининг кўнглини юмшатмади. Меҳмоннинг жим ўтириши унинг ғашига тегди. Оқибатда В.Десяткин Я.Қаюмовга ташланиб, унинг қорнига пичоқ санчиб олади. Шундай қилиб, бу икки улфатнинг улфатчилиги фожеа билан тугайди. Номард улфатнинг ножўя ҳаракати Я.Қаюмовнинг ҳаётдан кўз юмишига сабаб бўлди.**

**Шунингдек, Тошкент вилоятининг Бўка туманидаги автобус бекати олдидан уй бекаси А.Моҳиранинг бўғиб ўлдирилган ҳолдаги жасади топилган эди. Олиб борилган тезкор тергов-қидирувлар натижасида ушбу жиноятга муқаддам ҳам содир этган ҳуқуқбузарликлари учун қонун олдида жавоб берган, бироқ ўзига тегишли хулоса чиқариб олмаган У.Йўлдош ўзаро жанжал оқибатида қўл урганлиги маълум бўлди. Ҳозирда мазкур ҳолатлар бўйича тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.**

## Гиёҳвандлик — иллат

**Гиёҳвандлик моддалари олди-сотдиси билан бойишни ўйлаган марғилонлик Э.Бозорбой ва Н.Акбарлар 700 грамм героинни сотиш мақсадида мижоз излаб қўшни туманга йўл олишади. Қарангки, харидорнинг топилиши ҳам осон кечди. Ҳамиша ҳушёр ва сергак ички ишлар ходимлари эса меҳмонларнинг хатти-ҳаракатидан воқиф бўлдилар. Шундай қилиб, Фарғона шаҳрининг Қиргули тумани ИИБ ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбирлар натижасида оғуфурушлар бисотларини 1200 АҚШ долларига пуллаётганида қўлга олинди.**

**Тошкент вилоятининг Олмалиқ шаҳрида яшовчи уй бекаси М.Гулмира кўпдан бери «тишининг ковагида» сақлаб келаётган героинни ҳамёнига яшириб, гиёҳвандлик моддалари билан шуғулланадиган киши олдига бораётганида милиция ходимлари томонидан текширилади. Унинг ёнидан 192 грамм героин топиб олинади.**

**Шунингдек, Тошкент шаҳрининг Яккасарой тумани ИИБ ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбирлар натижасида Бобур номидаги истироҳат боғи олдида Фарғона вилоятининг Олтиариқ туманида яшовчи А.Боймат текширилганида, унинг ёнида 100 граммдан ортиқ героин гиёҳвандлик моддаси борлиги маълум бўлди.**

**Шерали АНВАРОВ,**
**ИИВ Матбуот маркази инспектори, милиция лейтенанти.**





# Товламачилар

*— Бўрини оёғи боқади, дейдилар. Бўри бўлмасам-да, бўрига ўхшаб ўлжа излаганим излаган эди. Кечалари режа тузиб, кундузи овга чиқардим. Ўзиям хўп пешонаси очиқ аёл эканман. Қаерга чанг солмай, ўша ерни узиб олганман-да. Бахтимга лақмалару анқовларам кўп экан. Найрангу ёлғонларимни киприк қоқмай эшитишади, денг. Йиғиб-терганларини қўшқўллаб тутқазишгани етмагандай, ялиниб ёлворишардиям. Пул деганга энди кўзим тўйиб, долларга ўрганаётгандим-а... Бироқ, ён-веримга қарамаган эканман-да...*

Бу узоқ муддатли қамоқ жазосига ҳукм этилган, ҳозирда тавбасига таяниб ўтирган Мухтасархон Ниёзохунованинг афсус-надоматлари. Унинг соч юлиб, кўзёши қилишларига асло ишонманг. Негаки, у илгари ҳам етти йилга қамалиб, насибасини сим тўр ортидан қидириб кўрган эди. Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас экан. Ҳакалак отган балойи нафси уни яна шу йўлга бошлади...

Мухтасархон Андижон шаҳрида яшовчи Ҳ. Комилованинг уйини қидириб топди. Ўзини Андижон тумани судининг бош ижрочисиман, дея таништирди.

— Эрингизга нисбатан қўзғатилган жиноий иш бўйича 108 минг сўм камомади борлигини биласизми? Лаллайиб ўтирмасдан олдини олинг. Пул кетса кетсин, эрингиз бечора қамалмасин.

— Нима қилишим керак? — умидвор кўзлари жовдиради Ҳимоятхоннинг, — йўл кўрсатинг, жон опа!

— Камомадни қоплаш керак. Тезда 108 минг сўм топинг. Йўқса, кеч бўлади.

Пул қўлга тегди. Иш хамирдан қил суғурганчалик осон кечганини кўргач, Мухтасархон яна бир ёлғонни ямламай ютди: эрингизни қамоқхонага чиқармай ички ишлар бўлимининг ўзида ушлаб туриш керак. Жой ҳақи учун яна юз минг топинг.

Шўрлик содда аёл бу пулни ҳам топиб фирибгарнинг қўлига тутқазди. Мухтасархон эса пулни ҳамёнга уриб, Комил Яшин номидаги кўчада яшовчи К. Абдураҳмpraxованинг ҳузурига йўл олди. Уни ҳам авраб, етмиш минг сўмлик гиламини олиб чиқиб кетади.

Мухтасархон ўша пулларни ҳазм қилиб улгурмай Х. Акбаров деган фуқарога яна ўзини суднинг бош ижрочиси эканлигини тасдиқловчи қалбаки ҳужжат билан таништирди. Хоҳловчилар бўлса, Жанубий Кореяга ишга юборишга имкони борлигини уқтирди. Ака-ука Акбаровлар, Мўминов деган яна бир йигит «бормисиз, опа», дея атрофида гирдикапалак бўлдилар. Беш юз долларни тўплаб топширдилар. Йигитлар хориж сафарига тайёргарлик кўра туришсин. Энди бу ёғини эшитинг. Мухтасархон З. Мирзаев, Х. Мамажоновларни ҳам ўз тузоғига илинтирди. Уларни «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасига ишга жойлаб қўяман, эвазига ҳар бирларинг уч юз доллардан берасизлар, дея ишонтирди. Йигитлар лаққа тушишди.

Ўргимчак тўрига илинган ўлжа унинг кўзга кўринмас ипларидан осонликча чиқиб кетолмайди. Унинг қурбонига айланади. Шундайлардан яна бири Мухтасархоннинг тўрига тушди. Бу гал у фуқаро А. Аҳмадалиевдан тижорат мақсадларида фойдаланиб туриш учун салкам икки юз минг сўмни қуртдай санаб олди. Омонатга хиёнат бўлмаслиги учун ўша йигитнинг ҳарбий билетини ҳам ўзи билан олиб кетди. Қарзни қайтариб бериш муддати келгач, кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ҳолат содир бўлди.

— Уч юз минг сўм берсангиз эрингизнинг билетини қайтараман, — имонини ютди Мухтасар, — акс ҳолда диний экстремист деб қаматтириб юбораман, билдингизми? Қарзга берган пулингиздан умид қилманг.

Бечора аёл ёқа ушлади. Ўт балосидан, сув балосидан, Мухтасар туҳматчидан Ўзинг асра, дея уйига қайтиб кетди. Бу орада товламачи «қани, бир ўғирлик ҳам қилиб кўрайчи, мазаси қандоқ бўларкин», деган ғаразли ўй билан Андижон шаҳридаги «Юксалиш» кўчасининг 43«а» уйига кириб борди. Ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб уйнинг эшик-ромларини, пол ва том қисмлари учун ишлатишга мўлжалланган олти юз минг сўмлик мулкни ўмарди ва уни арзон баҳода — 25 минг сўмга сотиб юборди.

Олтинкўллик Илҳом Йўлдошев билан Аъзам Турғуновлар ҳам товламачиликда шайтонга, ҳатто Мухтасарга ҳам дарс берадиганлар хилидан чиқиб қолди. Уларнинг қилмишларини санаб чарчайсиз. Бирон жойда ёлчитиб ишламайдиган бу олғирлар ўзгаларнинг жуда катта миқдордаги пул, моддий бойликларини гумдон қилдилар. Улар ҳам Мухтасарга ўхшаб «фарзандингизни Кореяга ишга юбораман» (ёки қамоқдан чиқишига кўмаклашаман), деб ўнлаб, юзлаб соддадил кишиларнинг қўйинларини пуч ёнғоққа тўлдирдилар. Жабрланганлар орасида Андижон шаҳридаги Олмазор кўчасида яшовчи Гулчеҳра Сайдуллаева ҳам бор.

Нима бўлди-ю, онанинг бирин-кетин икки ўғли қамалиб қолди. Бундан хабар топган шоввозлар Зуҳра, Иқбол, Фарида исмли ўзларига ўхшаш қизларни «ов»га жўнатдилар.

— Илҳом акамиз миллий хавфсизлик хизматида ишлайди. Зўр. Ана ўша одам ўғилларингизни қамоқдан чиқариб беради, — онаизорни уч тарафдан ўраб олди уч қиз. — Пулидан қочмасангиз бас. Ўғилларингиз бағрингизда бўлади ҳадемай.

Бундай пайтда онанинг кўзига пул кўринадими. Гулчеҳра ая айтилган миқдордаги пулни топиб аввалдан келишилган жой — Феруза Исмоилованинг уйига борди. Уни бу ерда Илҳом билан Аъзам кутиб ўтирган эди.

— Менга ишонаверинг, — баланддан келди Илҳом, — ўғилларингизни, албатта, чиқариб бераман. Ваъдамни бажармасам ўғил бола эмасман. Мабодо иш битмай қолса, пулингизни қайтариб оласиз.

Ўша суҳбатдан кейин учтўрт кун ўтгач, Илҳом онани яна чақиртирди. Гўё Тошкентга бориб, онанинг қамалиб ётган ўғиллари билан учрашиб, масалага ойдинлик киритмоқчи бўлаётганини айтади. «Аванс» сифатида минг АҚШ доллари топиб беришини сўрайди. Уюшган жиноий гуруҳ аъзолари аяни ҳар тарафдан авраб, беш юз минг сўм пулини оладилар ва уни ўз эҳтиёжлари учун ишлатиб юборадилар.

Соддадил аёл ўғилларини кўзи тўрт бўлиб кутарди. Болалардан эса дарак йўқ. Гулчеҳра ая ўз ёғига ўзи қоврилиб ўтирган кунларнинг бирида уйга Феруза кириб келади.

— Тошкентга борадиган бўб қолдик. Тайёргарлигингизни кўринг. Сиз ҳам керак экансиз. Ёнингизда тўрт минг АҚШ доллари бўлиши шарт. Йўқса, иш битмайди.

Илҳом онани олиб Тошкентга боради. Гўё униси, буниси билан гаплашган бўлади, «келишилади». Муштипар она ўргимчак тўрига тушиб қолганини қайдан билсин. Улар шу тариқа пойтахтда уч-тўрт кун қолиб кетишади.

Товламачилар Гулчеҳра аянинг бор-будини талашади, сарсон-саргардон қилишади. Оқибатда онаизор фарёд урганча қолаверади. Фирибгарлар эса Андижон туманидаги Маҳжурий кўчасининг 144-уйига кириб келишди. Ўзларини миллий хавфсизлик хизмати ходимлари бўламиз, дея таништиришгач, Ойшахон Парпиевага қайноғаси Неъматжон Парпиевни қамоқдан чиқариб беришларини таклиф этишди.

— Хизмат ҳақларингга нима сўрайсизлар? — деди Ойшахон.

— 3500 доллар берсангиз кифоя, — тамшанди кутилмаган меҳмонлар. — Қолганига тилла тақинчоқларингиз ҳам бўлаверади.

Аёл ишонди. Болаларнинг ризқ-насибасидан қийиб, тийинлаб тўпланган пуллар фирибгарлар қўлига ўтди.

Ҳар қандай олғирликнинг ҳам чеки, чегараси бор. Охир-оқибат фирибгарлар жиноят устида қўлга олиндилар. Фирибгарнинг қўлларига кишан тушгач, унинг уйига жабрланганлар, алданганлар турна қатор кириб келдилар. Фирибгарнинг онасидан ўз ҳақларини талаб қила бошладилар. Ноқобил ўғилнинг қилмишлари онанинг қаддини букиб қўйди. Эл-юрт ўртасида бош кўтаролмай қолди. Зор-зор йиғлаб, улардан кечирим сўради. Ўзи ўтирган уйини гаровга қўйиб, бошқа бировдан 800 минг сўм пул олди. Бу пулни ўғлидан жабр кўрганларга тарқатиб чиқди.

Юқорида айтиб ўтилган товламачилик жиноятларига қонуний нуқта қўйилди. Товламачилар қилмишларига яраша жазоландилар. Одил суд уларни турли муддатларга озодликдан маҳрум этди.

**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

